

**“Бешарик пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2015 йил якуни бўйича
навбатдаги йиллик умумий йиғилиш
БАЁННОМАСИ № 1**

2016-йил 30 июнь

Бешарик тумани Бешарик кўчаси №7 уй, жамият
мажлислар залида соат 11-00 да бўлиб ўтган.

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони: -

1080785 дона

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар
эга бўлган овозларнинг сони:-

584896 дона

Саноқ комиссияси аъзоси И. Ортиқов 23 дона овоз берувчи акцияларга эгалик қилган акциядорлар рўйхатдан ўтганлигини, бу жами овоз берувчи акцияларга нисбатан 54,12% ни ташкил қилишини ва йиғилиш кворуми борлигини эълон қилди.

Йиғилиш раислигига Ш. Азимов, йиғилиш котиблигига А.Махкамов сайланди.

Йиғилиш раиси Ш. Азимов жамиятнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди кун тартибидаги масалалар бир овоздан маъкулланди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органининг 2015 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ижроия органи раҳбарининг ҳисоботларини кўриб чиқиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги кузатув кенгаши раисининг ҳисоботларини кўриб чиқиш.
5. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи, коллегиял ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш (агар уставда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса).
6. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2015 йил якунлари бўйича аудитор ҳисоботи ва хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш*.
13. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш*.
14. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:
 - Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
 - Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
 - Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
 - Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
 - Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
 - Ички назорат тўғрисидаги низом;
 - Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
 - Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
 - Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом (агарда рағбатлантириш бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги низомларда кўзда тутилмаган бўлса);
15. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Аффилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

17. Жамиятнинг фирма номини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан бирхиллаштириш, жамиятнинг юмалоқ муҳри ва бурчак штампини ҳамда логотипини ўзгартириш.

18. Жамиятнинг 2016 йил учун белгиланган "Бизнес режаси"ни ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

19. 2016 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш, шу жумладан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказишни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича И. Ортиқов сўзга чиқиб, санок комиссияси аъзоларига И. Ортиқов, Н. Эсоналиев, А. Отажоновлар номзодини таклиф қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Санок комиссияси аъзолари И. Ортиқов, Н. Эсоналиев, А. Отажоновлардан иборат таркибда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Ш. Азимов умумий йиғилиш кун тартиби ва регламенти билан таништирди.

Регламентдан кун тартибидаги ҳар бир масаласи бўйича 10 дақиқа нутқ ва муҳокамаси учун 5 дақиқадан вақт ажратилишини таклиф қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби ва регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият бош директори Л. Акбаров Жамият ижроия органининг 2015 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ижроия органи раҳбарининг ҳисоботи билан таништирди.

Жамият Бош директор уз сузида 2015 йил пахта хосилидан режадаги 49 минг 573 тонна урнига 39 минг 682 тонна пахта хом ашёси қабул қилиб олинди ёки 79% фоизга бажарилди.

Қабул қилиб олинган пахта хом ашёсининг

33 минг 536 тоннаси 1 навга,

2 минг 214 тоннаси 2 навга,

1 минг 017 тоннаси 3 навга,

895 тоннаси 4 навга,

2 минг 020 тоннаси 5 навларга қабул қилинди.

Пахтани қабул қилишда давлат стандартлари талабларига катъий риоя этилди. Бу эса пахтани қайта ишлаб сифатли маҳсулотлар олишимизнинг асосий гаровидир.

2015 йил давомида жамиятимиз 2014 йил хосилидан қолган қолдик пахта хом ашёси билан жами 40 минг 660 тонна пахта хом ашёсини қайта ишланди ва қуйидаги натижаларга эришилди.

- 13 минг 606 тонна 54 млрд 468 млн сумлик тола;
- 21 минг 122 тонна 4 млрд 850 млн сумлик чигит;
- 1 минг 035 тонна 667 млн 023 минг сумлик момик;
- 200 тонна 45 млн 300 минг сумлик улюк ;
- 1 минг 764 тонна 204 млн 552 минг сумлик пух каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб жами 60 млрд 234 млн 878 минг сумлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Пахта хом ашёсидан 33,3 % тола ишлаб чиқариш режаси урнига 33,5% тола яъни 02% ошикча тола олишликка эришилди.

Жамоамиз аъзоларининг технологик жараёнларни тугри ташкил этганликлари ва ортикча харажатларга йул куймаганликлари натижасида 199 тонна пахта иктисод килинди, тола, момик хамда улюк махсулотларига 54 минг 336 комплект ёки 449 млн 750 минг сумлик уров материаллари, 114 тонна ёки 628 млн 834 минг сумлик боглов материаллари жами 1млрд 078 млн 500 минг сумлик уров хамда боглов материаллари ишлатилди. Жамиятдаги 3 та тола ажратувчи «ЖИН» лар унумдорлиги режадаги 7.8 урнига 8.0 килограмга етказилди. Электр энергия сарфи бир тонна тола олиш учун режадаги 378 Квт/ соат урнига, 420 Квт/соатдан сарфланди.

Амалга оширилган ишларимиз ва махсулот сифатини яхшилаб бораётганлигимиз сабабли корхонамизнинг экспорт салохияти ортиб бормокда. 2015 йилда жами 12 минг 545 тонна тола ишлаб чиқарилди. 2015 йил давомида Республикамиздан ташқарига 10 минг тонна тола экспорт килинган булса, 2 минг 545 тоннаси ички истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу умумий ишлаб чиқарилган толанинг 79,7 % экспортни ташкил этади. Юкоридаги килинган ишлар натижасида бизни корхона 2015 йил якуни буйича 696 млн 947 минг сум соф фойда олишга эришилди.

Бу юкоридаги курсаткичлар уз-узидан булгани йук албатта. Унинг замирида Сиз азизларнинг меҳнатларингиз ётибди. Барча ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг меҳнатларидан мамнунмиз. Шундай булсада, алохида жонбозлик курсатган ишчи хизматчиларни номларини алохида тилга олиб утишни лозим деб топдим. №1 ишлаб чиқариш бригадаси бошлиги М.Давронов (бошлик бригада ишчилари)дан тола ажратувчи Тожибоев Улугбек, тола пресловчи Бердиев Жамолдин, момик пресловчи Кучкаров Бахтиёр, пахта тозаловчи Мирахмедов Анваржон, той тикувчи Кучкарова Кандолат хонлар №3 ишлаб чиқариш бригада бошлиги Жуманов Мансур (бошлик бригада ишчилари)дан Ускуна созловчи, Кодиров Турсунали, тола пресловчи, Муминов Хайрулло пахта узатувчи Турсуматов Озоджон, той тикувчи Рахмонова Насибахонлар шулар жумласидандир.

Сифатли пахта махсулотларини ишлаб чиқариш асосан пахта кабул килиш ва саклаш урин жойларида олиб борилаётган иш жараёнларига жуда куп жихатдан боглик. Пахта кабул килиш пунктларимизда пахтани хужаликлардан кабул килиш, уни саклаш, заводга уз вақтида етказиб беришга эътибор кучайтирилди.

Айниқса. Намлиги юкори булган хом ашёни тезда кайта ишлаш натижасида пахтанинг нобуд булишига йул куйилмади. Бу ишларда «Рапкон», «Бешарик», «Окжар», пахта тайёрлов урин жойларида олиб борилган ишлар намунали булди. Режага нисбатан тола олиш режаси 3% ошиги билан бажарилди.

Заводда пахта хом ашёсини кайта ишлашда хамда уз вақтида узлуксиз юкори сифат олинишида механика устахонаси ишчиларидан таъмирлаш устахонаси ишчиларидан Туранов Бахромжон, Шамсутдинов Ражабали, Рафиков Косимжон, Маматов Донёр, Дехконов Шовкатжонлар алохида уртак курсатиб меҳнат килдилар.

Корхонамизда 547 нафар ишчи хизматчилар меҳнат килади.

Шундан 128 нафарини аёллар ташкил этади.

Ишчи хизматчиларнинг уртача иш ҳаклари 626 минг 500 сумданга тугри келмокда. 2015 йил 12 ой давомида 3 млрд 457 млн сум ойлик иш ҳаклари хисобланиб таркатилди.

Ишчи хизматчиларимизни моддий ва маънавий рағбатлантириб, Янги йил муносабати билан 126 млн 909 минг сум, 8-Март халқоро хотин кизлар байрами муносабати билан 130-нафар аёлларга хар бирига 90 минг сумдан жами 11 млн 700 минг сум, Навруз байрамига 16 млн сумлик гушт махсулоти, Мустакиллик байрами, муносабати билан 18 млн 972 минг сумлик Рамазон ва Курбон хайитлари муносабати билан 34 млн 100 минг сум жами корхона маблағлари хисобидан 173 млн 581 минг сум сарфланди.

2015 йил «Кексаларни эъзозлаш» йили муносабати билан жамиятимизда ишлаб нафакага чиккан фахрийларни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий куллаб кувватлаш тадбирларини амалга оширдик. Ишчи хизматчиларимизнинг оиласини моддий томондан рағбатлантириш мақсадида моддий ердан пуллари хисоблаб, марказий омбордан совун хамда пахта ёғи берилди. Бундан ташқари Янги йил совгаси сифатида туманимизда яшовчи кам таъминланган оилаларга 300 минг сумлик гушт таркатилди. Соғлиқларини тиклаш мақсадида ишчи хизматчилардан 5 нафарига сихатгохларга даъволаниб келиши учун йулланмалар берилди, ундан ташқари жамиятимизда ишлаб турган ишчи хизматчиларни 40 нафар фарзандларини ёзги

дам олиш маскани Хонкиздаги «Орзу» болалар оромгохида дам олиб келишлари учун барча шарт шaroитлар яратилиб уларни иссик овкати бориб келиш харажатлари жамият хисобидан копланди.

Хомийлик сифатида кам таъминланган оилаларга 3 млн сумлик, ногиронлар уйига 2 млн сум моддий ёрдам берилди, Вилоятимизда ҳамда туманимизда болалар спортини ривожлантириш учун 20 млн минг сум, оталикка олинган богча ва мактабларга 2 млн 500 минг сумлик, зарбдор 60-кунлик Гуза парваришида иштирок этган механизаторларга 8 млн сум, Хонкиздаги «Орзу» болалар оромгохини таъмирлашга 5 млн 900 минг сум, микдорида хомийлик ёрдамлари курсатилди. Мехнат мухофазасига яъни ишчиларни иссик овкатида, кишки кийим бош билан таъминлаш учун 25 млн 800 минг сум сарф килинди. Яъни 2014 йилга нисбатан 0,5 % баробарга ошди. 2015 йил йил якуни буйича бизнес режада 770 млн сум фойда олиш режалаштирилган булса 696 млн 947 минг сум фойда олишликка эришилиб бизнес режа бажарилди, бу дегани режага нисбатан 09% кам фойда олинди 2016 йил бизнес режаси бажарилмади. Бунинг сабаблари бор албатда Дангара туманидан ташиб келтириш учун транспорт харажати ошиб кетганини ҳамда харажатларни купайиб кетганини йигилиш катнашчиларига гапириб утди.

Ёклаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,
Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамият ижроия органи рахбарининг 2015 йилдаги фаолияти хисоботи қониқарли деб топилсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ш. Азимов сўзга чиқиб, «Бешариқ пахта тозалаш» акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2015 йил мобайнида қилинган ишлар, эришилган фойда ва курсатилган хомийликлар тўғрисида гапирди. Йил давомида жамият бошқаруви томонидан топширилган хисоботлар тўғрисида маълумотлар берди ҳамда Ш. Азимов ўз сўзида давом этар экан, жамиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, кузатув кенгаши таркибида бўладиган ўзгаришларни эътиборга олиб шу орқали жамиятда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга оширишни таъкидлаб ўтди.

Ёклаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамият кузатув кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича И. Норматов сўзга чиқиб, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи, коллегиял ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш бўйича қуйдагиларни маълум қилди. Жамиятнинг коллегиял ижроия органи аъзолари 9 кишидан иборат бўлиб, бош директор ва сохалар бўйича директорларга бўлинишини, кузатув кенгаши билан тузиладиган меҳнат шартномаси муддатини бир йилга узайтиришни таклиф қилди.

Ижро органи меҳнат шартномасини узайтириш таклифи

Ёклаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамият бош директори Л. Акбаров ва ижро органи билан кузатув кенгаши ўртасида тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга узайтирилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича жамият бош директори Л. Акбаров сўзга чиқиб, жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаб олишни таклиф қилди. «Бешариқ пахта тозалаш» АЖнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва махсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилашни таъкидлади.

Бундан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилишида тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳитини таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва худудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда «Бешариқ пахта тозалаш» АЖнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,
Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

“Бешариқ пахта тозалаш” АЖнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Б. Болтабоев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2015 йил якунлари бўйича аудитор ҳисоботи, халқаро аудит стандартларга мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилган хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан: 2015 йил якунлари бўйича миллий стандартларга мувофиқ “KONSAUDITINFOPM” аудиторлик ташкилоти текширганлигини ижобий хулоса берганлигини, “ТТТ” Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказганлигини ижобий хулоса тақдим этганлигини баён этди. Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи билан таништирар экан, 2015 йил якуни бўйича жамият 696 млн 947 минг сўм соф фойда билан якунлаганлигини бу эса йиллик бизнес режа кўрсаткичларининг 90 фоизини ташкил қилишини таъкидлаб олинган соф фойдани акциядорлар ихтиёрига хавола қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Миллий стандартларга мувофиқ “KONSAUDITINFOPM” аудиторлик ташкилоти ва “ТТТ”нинг Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказган хулосаси қониқарли деб топилсин ва тасдиқлансин: жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси 696 млн 947 минг сўм акциядорлар ихтиёрига хавола қилинсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Б. Болтабоев жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Тафтиш комиссияси ҳар ойда текшириб борганлиги яхши натижа берганлигини гапириб, Йигилиш катнашчилари аудиторлик ташкилоти ҳамда тафтиш комиссияси олиб борган ишлари тугрисида йигилиш катнашчиларига гапириб утди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Тафтиш комиссиясининг 2015 йил якуни бўйича берган хулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори Б. Болтабоев жамият 2015 йил якуни бўйича 696 млн 947 минг сўм соф фойда олган. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан “Пахтасаноат” ХАБ АЖ вакили А. Махкамов, вилоятдаги турдош корхоналар қатори “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ ҳам йиллар мобайнида сўндирилмаган дивидендлардан 470 млн 500 минг сўм қарздорлик мавжудлигини, ушбу қарздорликларнинг пайдо бўлиш ва тўлаш чоралари белгиланган бўлсада ўз вақтида тўланмаганлик сабаблари хусусида гапириб ўтди. Акциядорларга шуни таъкидладики, ҳизирги кунда пахта тозалаш корхоналари тўхтаб қолганлиги ҳамда айланма маблағлар етишмаслиги шунингдек “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга жамият ҳақли эмаслиги. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йигилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон

баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”га асосан тизим корхоналари томонидан дивидент сиёсати ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда соф фойдани тақсимлаш йўналишлари белгилангамаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тизим корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни тўхтаганлигини, пул маблағларнинг танқислиги, “Корпоратив бошқарув кодекси”га асосан дивидент сиёсати йўналишлари ҳамда соф фойдани тақсимлаш йўналишлари белгилангамаганлигини инобатга олган ҳолда, 2015 йил соф фойда тақсимотини акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдириш ва йиғилишни жорий йил сентябрь-ноябр ойларида ўтказишни таклиф қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олган **696 минг 947 минг сўм** соф фойдасини тақсимлаш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ш. Азимов жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаб олиш зарурлигини билдириб, қисқача кумулятив овоз бериш бўйича тушунча бериб ўтди. Шундан сўнг кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзодлар билан таништириб ўтди.

“Ўзпахтасаноат” АЖдан бошқарма бошлиғи Д.Рафиқов, бош мутахассис Б. Шеронов, Хизмат бошлиғи Б. Раджабов, Хизмат бошлиғи Р. Мусақулов, бош мутахассис Ш. Хақимов, бош мутахассис Ф. Ражабов, бошқарма бошлиғи Ф. Давруқов, Хизмат бошлиғи Ф. Акбаров, “Пахтасаноат” ХАБ АЖдан Ш. Азимовларни кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун таклиф берганлигини маълум қилди.

а) Д.Рафиқов	584896 дона (100%) овоз.
б) Б. Шеронов	584896 дона (100%) овоз.
в) Б. Раджабов	584896 дона (100%) овоз.
г) Р. Мусақулов	584896 дона (100%) овоз.
д) Ш. Хақимов	584896 дона (100%) овоз.
е) Ф. Ражабов	584896 дона (100%) овоз.
ё) Ф. Давруқов	584896 дона (100%) овоз.
ж) Ф. Акбаров	584896 дона (100%) овоз.
з) Ш. Азимов	584896 дона (100%) овоз олдилар.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига Д.Рафиқов, Б. Шеронов, Б. Раджабов, Р. Мусақулов, Ш. Хақимов, Ф. Ражабов, Ф. Давруқов, Ф. Акбаров, Ш. Азимовлар тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ш. Азимов жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлашни таклиф қилди. Тафтиш комиссияси аъзолигига “Пахтасаноат” ХАБ номидан А. Маҳкамов, Д. Ҳасанов, Б. Ҳасановлар номзоди таклиф этилди.

а) А. Маҳкамов Ёқлаганлар: 100%, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,
б) Д. Ҳасанов Ёқлаганлар: 100%, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,
в) Б. Халилов Ёқлаганлар: 100%, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига А. Маҳкамов, Д. Ҳасанов, Б. Халиловлар тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 12-13-14-15-16-масалалар бўйича йиғилиш раиси Ш. Азимов сўз олиб, дастлаб Корпоратив бошқарув кодексини жамиятга жорий этиш бўйича фикр билдирди.

1. Мазкур Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятлари ўзининг ҳаққоний ва очиқ бизнес юритиш тарафдори эканлигини намоён қилган ҳолда ихтиёрий равишда амал қилувчи тавсиялардан иборатлигини:

2. Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланганлигини:

3. Мазкур Кодекс мақсадларида корпоратив бошқарув деганда, акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунлигига эришиш тизими тушунилишини:

4. Кодекс АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мажмуасидан иборатлигини:

5. Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилганлигини:

6. Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинишини:

7. АЖ Кодекс тавсияларини жорий этиш юзасидан ўзининг тармоқ хусусияти ҳамда фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ички корпоратив хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлигини:

8. Кодекс тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва унга риоя этиш тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, АЖнинг интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайти (кейинги матнларда АЖ сайти деб юритилади) ва фонд биржаси сайтида, шунингдек, қонун ҳужжатларида ахборотларни ошкор қилиш назарда тутилган бошқа манбаларда амалга оширилади:

9. Кодекс тавсияларини жорий этишга тайёргарлик кўриш, уни жорий этиш ва мониторинг қилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича ҳаракат қилинишини:

10. АЖ Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиши тўғрисидаги ахборотни келтирилган шаклга мувофиқ хабарни эълон қилиш йўли билан ошкор этишини:

11. Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, АЖ "comply or explain" (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этиш зарурлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси ўз сўзида давом этар экан, жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлашни бунда жамият Корпоратив кодекси тавсияларини қабул қилганлигини буни оммавий ахборот воситлари орқали эълон қилиш лозимлигини таъкидлади. Эълон қилиш тартиби esm.gov.uz сайти орқали ва жамиятнинг махсус beshariqrahta.uz сайтига хабар бериш орқали амалга оширилишини таклиф қилди.

Йиғилиш раиси юқоридаги кодексга киритилган ўзгаришларга асосан жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиб тасдиқлашни таклиф қилиб ички низомлар билан таништириб ўтди.

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ички назорат тўғрисидаги низом;
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
- Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом (агарда рағбатлантириш бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги низомларда кўзда тутилмаган бўлса);

Барча низомлар акциядорлар ўртасида муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун таклиф этилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунга киритилган ўзгаришлардан келиб чиқиб, жамиятнинг уставини янги таҳрирда тасдиқлашни таклиф қилди.

Уставнинг айрим моддалари таҳлил қилиниб, тасдиқлаш учун таклиф этилди.

Йиғилиш раиси Аффилиланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлашни таклиф қилди.

Дастлаб Афилланган шахслар кимлар эканлиги вазифаси нимадан иборат эканлиги хақида қисқача тушинтириб ўтди.

Шундан сўнг бошқарув аъзоларига кейинги йиллик умумий йиғилишгача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган барча битимлардан кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш мажбурияти юкланди.

Кун тартибидаги 12-13-14-15-16 масалалар юзасидан қарор қабул қилинди:

12. Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси жорий этилсин.

13. Жамият фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шакли тасдиқлансин. Бунда Қимматли қоғозлар Марказининг csm.gov.uz сайти орқали ва жамиятнинг махсус beshariqpaxta.uz сайтига хабар бериш орқали амалга оширилсин.

14. Жамиятнинг қуйидаги ички ҳужжатлари тасдиқлансин:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ички назорат тўғрисидаги низом;
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
- Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом;

15. Жамият Устави янги таҳрирда тасдиқлансин.

16. Афилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлари кузатув кенгаши аъзолари билан келишилган ҳолда амалга оширилсин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича “Пахтасаноат” ХАБ АЖ вакили “А. Маҳкамов” сўзга чиқиб, жамиятнинг фирма номини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан бирхиллаштириш, жамиятнинг юмалок муҳри ва бурчак штампини ҳамда логотипини ўзгартиришни таклиф қилди.

Ў.Қиличов ушбу масалага изох берар экан, “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ташкил бўлгунга қадар тизимдаги пахта тозалаш корхоналарининг номланиши турлича эканлигини, Республикада мавжуд барча пахта тозалаш корхоналари номланиши бирхиллаштириш яъни “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ номига ўзгартириш критилиб, “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ шаклида давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда юмалок муҳри, бурчак штампини ҳамда тимсолини (логотипини) ўзгартиришни таклиф қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,

Кун тартибидаги 17-масала юзасидан қарор қабул қилинди:

Жамиятнинг фирма номини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан бир хиллаштирилиб “Бешариқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти шаклида қайта давлат рўйхатидан ўтказилсин, жамиятнинг юмалок муҳри ва бурчак штампини ҳамда тимсоли (логотипи) ўзгартирилсин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича Жамият режа булими бошлиги И.Якубов сўзга чиқиб бошқарув раисини 2015 йил учун тузилган бизнес режасини ҳамда 2016 йил учун харажатлар сметасини уқиб эшиттирди ва йиғилиш катнашчилари ушбу масалани кенг муҳокама қилди.

Ёқлаганлар: 100 фоиз, Қаршилар: йўқ, Бетарафлар: йўқ, Бекор қилинган овозлар: йўқ,
Кун тартибдаги 18-масала юзасидан қарор қабул қилинди:
Жамиятнинг 2016 йил учун харажатлар сметаси ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

1. Кун тартибдаги ўн туққизинчи масала бўйича бош директори Л. Акбаров 2015 йил жамиятни молиявий фаолиятини аудит текширувидан утказган «KONSAUDITINFOPM» аудиторлик ташкилотини олиб борган ишларини коникарли деб топди 2016 йил якунланиши билан 2016 йил якуни бўйича аудит хулосасини тез ва сифатли текшириб хулоса берадиган аудитор ташкилотларни танлов асосида миллий ҳамда халқаро (МСФО) молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиб берадиган 3- нафар яъни «ТТТ» аудит МЧЖ «Аудирес», аудит «KONSAUDITINFOPM» аудиторлик фирмалари номлари билан таништирди. Йигилиш катнашчиларига 2016 йил якуни бўйича аудит текширувини «KONSAUDITINFOPM» аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиб унга туланадиган энг юқори ҳақ миқдорини 2016 йил жамиятни молиявий фаолиятини Халқаро молиявий стандартлари асосида 10 000 000 сумга ҳамда миллий стандартларида 8 000 000 сумга аудиторлик ташкилотига туланадиган ҳақнинг (максимум) юқори миқдори жами 18 000 000 сум қилиб белгиланишини гапириб ўтди

Кун тартибдаги 19-масала юзасидан қарор қабул қилинди:

2016 йил якуни бўйича аудит текширувини «KONSAUDITINFOPM» аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиб унга туланадиган энг юқори ҳақ миқдорини 2016 йил жамиятни молиявий фаолиятини Халқаро молиявий стандартлари асосида 10 000 000 сумга ҳамда миллий стандартларида 8 000 000 сумга аудиторлик ташкилотига туланадиган ҳақнинг (максимум) юқори миқдори жами 18 000 000 сумга тасдиқлансин.

Жамият умумий йигилиши қарорини бажарилишини назорат қилиш жамият бошқаруви раиси Л.Акбаров ҳамда жамият бош ҳисобчиси Б.Болтабоевлар зиммасига эълатилсин.

Йиғилиш раиси:



Ш. Азимов

Йиғилиш котиби:



А. Махкамов

Йиғилиш баённомаси 2016 йил 08 июль куни тузилди.